

Конимех туманида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Киш арафасида туман марказий шифохонасининг турғурухона ва поликлиника биналари жорий таъмирдан чиқарилган эди. Тумандаги бир қанча қурилиш ташкилотлари, хусусий фирмалар кўмаги билан бу ерда қарийб 10 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Янги йил арафасида эса марказий касалхона қошида 50 ўринли болалар шифохонаси ишга туширилди. Уни Навоий кон-металлургия комбинатининг 5-конт бозқармаси қурувчилари барпо этди. Қисқа муддатда бунёд этилган шифо маскани қурилиши учун қончилар ўз ҳисобидан 32 миллион сўмлик маблағ сарфлади.

(ЎЗА).



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 24 декабр, сешанба № 201-202 (1419)


СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ЧОРВОҚ ОРОМГОҲИ»

Тошкент вилоятининг хушманзара Бўстонлик туманида «Чорвоқ оромгоҳи» соғломлаштириш марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов юртимизда табиат бойликларини асраб-авайлаш ҳамда юртдошларимиз соғлигини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлади. Бир йил муқаддам Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан айнан мана шу жойда халқаро талабларга жавоб берадиган соғломлаштириш

марказини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилгани бунинг ёрқин исботидир. 2001 йил сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг Чимён-Чорвоқ курорт ҳудудининг табиий бойликларини асраш ва бу ерда соғломлаштириш, дам олиш тизимини ривожлантиришга қаратилган қарори қабул қилинган эди. Чимён-Чорвоқ минтақаси ўзининг қулай иқлим шароитига кўра курорт ва дам



олиш мақсадлари учун махсус муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сирасига киритилган.

Қарорда кўзда тутилганидек, Ҳазалкент-Чорвоқ-Бақачўл магистрал канализация коллектори, оқова сувлар учун насос станцияларининг қурилиши, Чирчиқ тозалаш иншоотининг кенгайтирилиши ушбу хушманзара маскан ҳудуди ва табиатининг мусофоллигини таъминлашда ўзига хос омил саналади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ушбу ҳудудда уч юлдузли учта меҳмонхона, иккита пансионат, подстанциялар, ёзги чўмилиш ҳавзаси сингари кўплаб ҳордиқ чиқариш масканлари бунёд этиш режалаштирилган.

Марказнинг фойдаланиш учун топширилган биринчи навбатида эса, ҳозирча, 124 киши учун

мўлжалланган меҳмонхона нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижий меҳмонларнинг йилнинг исталган мавсумида кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши учун жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатади. Шунингдек, ижара пунктлари, ресторан, кафе, спорт майдончалари ҳам дам олувчилар ихтиёрида бўлади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

Назokat УСМОНОВА, ЎЗА мухбири



Президентимиз Ислам Каримов иккинчи чақирғи Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартли бўлган асосий устувор йўналишлардан бири - жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотла-

НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

рининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат эканини алоҳида таъкидлади. Бугунги кунда мамлакатимизда юзлаб нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Шундай ташкилотлардан бири Ўзбекистон врачлар уюшмасидир.

Бундан ўн йил муқаддам ташкил этилган ушбу ташкилотга ҳозирги кунда 80 дан зиёд хусусий тиббий фирма, шунингдек, ўнлаб тиббий акциядорлик жамиятлари, тиббий марказлари ва корхоналари, иккита илмий жамият, нейрохирургия маркази ва бошқа нодавлат мулк эгаси бўлган тиббий муассасалар аъзо. Уюшма барча вилоятларда ўзининг ҳудудий бўлиmlарига эга.

Тошкентда мазкур уюшманиннг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилган йилгишда шулар ҳақда сўз борди. Унда уюшманиннг келгуси йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

(ЎЗА).

БАХТ УЙИ ТАДБИРКОРЛАР СОВҒАСИ

Наманган шаҳридаги турар-жой мавзелиридан бири «Гўзал» деб аталади. Бу ердаги ўндан ортиқ маҳаллада қарийб 60 минг киши истиқомат қилади. Вилоятда мавзее замонавий тиббиёт муассасалари билан машхур, аммо тез орада у Бахт уйи билан ҳам танилиши шубҳасиз. Замонавий услубда бунёд этилган бу ижтимоий объект хусусий тадбиркорларнинг яқинлашиб келаётган Обод маҳалла йиллига бағишланган илк совғаларидан бири бўлади.

Хамма иш бир йил аввал хусусий тадбиркор Адхам Юсуповнинг мавзениннг «Гўзал» номига умуман мос келмайдиган ташландик жойни ободонлаштириш таклифидан бошланди. Юсупов раҳбарлик қилаётган «Шербулок» кўп тармоқли ишлаб чиқариш-тижорат фирмасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, ошхона очилган, қишлоқда ўз фермер хўжалиги фаолият кўрсатётган эди. Бир сўз билан айтганда, янги қурилишга банк кредити олиш учун шароит жуда

қулай эди: лойиҳа рентабелли, гаровга қўйса бўладиган нарса бор, тадбиркорлик тажрибаси ҳам етарли.

«Саноат-қурилиш банки» томонидан фирмага 70 миллион сўм кредит ажратилди. Қисқа муддатда 400 кишига мўлжалланган ресторанга эга Бахт уйи, озиқ-овқат дўкони ва тикувчилик цехи бунёд этилди. Ўздан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди.

Тез орада қурилишнинг иккинчи навбати - гўшт ва сутни қайта ишлаш корхонаси ҳам фойдаланишга топширилди. У вақтда янги иш ўринлари сони 150 тага етди. Бу ерда сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқарилади.

(ЎЗА).

Сирдарёда дехқончиликда йўл қўйилаётган энг катта камчилик, кишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг негизи, маъно-мазмуну унутиб қўйилаётганлиги ташвишли бир ҳолдир. Тахлиллар шунни кўрсатаптики, контрактация шартномаларининг бажарилиши устидан олиб борилаётган сўст назорат ҳам дехқон оёғига «тушов» бўлмоқда.

Гулистон тумани Улугбек номли дехқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси мулкдорлари бунинг жабрини чекишди. Улар 2001 йил пахта ҳосилини етказиб бериш учун Гулистон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти билан контрактация шартномаси имзолашганди. Аммо орзулар ушалмаслигини анча кеч пайқашди. Яъни олдиндан тўланадиган аванс пулларига умид боглашиб, катта хатога йўл қўйишди. Айти экин-тикинда, дала ишларини ташкил этишда, ишчиларга иш ҳақи тўлашда асқоратидиган маблағдан дарак йўқ эди. Йил бошидан ишчиларни катта ваъдалар билан дала юмушларига жалб этган фермерлар ютуғи кундан-кун пасая борди. Бўнак пулни кутиб кўзлари тинди. Қўл ишдан совиди. Амал-тақал қилиб, чигит экишди, қўл учиди гўза парваришлаш-

КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ УНИ БАЖАРИШ ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ

ди. Ҳосил йиғим-теримини ҳам ҳафсаласизлик билан бошлаб, баъзилар ер чизиб қолди. Тўғри имкони бор, иқтисоди келишган фермерларнинг аксари ўз сарможаларини ишга солиб, шартномавий режани удралаб қўйди. Аммо қўли калта фермерлар маблағ танқис-тикинда, дала ишларини кўнгилдагидек ташкил этолмади. Йилни иқтисодий зарар билан яқунланганлар кўп бўлди. Бора-бора буюртмачилар қовоқ- тумшуғи осилиб, ҳақиқатни суриштирганларга елка оша қараш қиладиган ҳолатга етди...

Республика Адлия вазирининг 2001 йил 20 июндаги 21.4601- сонли «Алоҳида назоратда»ги топшириқ хатига асосан Гулистон пахта

тозалаш ҳиссадорлик жамиятида 2001 йил ҳосили ўзасидан тузилган контрактация шартномаларининг қўнғинлиги ва ижросини ўрганидик, - дейди Сирдарё вилоят адлия бош-

мулкдорлар фойдасига ҳал бўлди.

Сарвинисо Жўраева раҳбарлик қилаётган «Дилмурод» фермер хўжалиги ҳам ана шу иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечирганлардан бири. Тадбиркорлар 2001 йили Гулистон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти билан 63 тонна пахта хомашёси етказиб бериш учун контрактация шартномаси тузган. Аммо буюртмачи шартномада кўзда тутилган 2 миллион 520 минг сўм бўнак пули ўрнига 1 миллион 438 минг сўм тўлайди. Шартнома ўз кучини сақлаб турган бир пайтда қолган маблағни тўлашдан бош тортади. Оқибатда фермер хўжалиги аъзолари катта иқтисодий қийинчиликка рўбарў келадилар. Далада қўзланган ҳосилни етиштиришда муаммолар пайдо бўлади. Ишчиларнинг ойлик маоши, ёқилга ва ўғит, техникани ишлатишда мушкулликлар келиб чиқади. Нати-

Тахлил

жада қўзланган ҳосилни йиғиштириб олиш қийин кечади. Корхона кўплаб мижозларни шу кўйга солди. Оқибатда зарар кўрганлар кўпайди. Ҳосилдорлик пасайди.

Шартнома шартларининг тўлиқ бажарилмаганлиги ҳар томонлама қийинчиликларни келтириб чиқарди, - дейди «Набижон» фермер хўжалиги раҳбари Сайфиддин Жўраев. - Агар биз хомчўт қилган маблағга эга бўлганимизда кўрсаткичларимиз анча юқори бўларди. Энг ачинарлиси ёлгон ваъдалар ишдан бездирди. Адлия идораси ёрдами туфайли иқтисодий таназзулдан қутулиб қолдик.

Ҳақиқат этилади, аммо синмайди, дейишди. Зотан, гулистонлик фермерлар унинг амалдаги ифодаси шонидиға айланди. Шартнома шартлари бажарилишини таъминлашга масъул бўлган мутасаддилар муқаррар жазодан қочиб қутула олмади. Улар лоқайдлиги, масъулиятсизлиги учун қонун олдида жавоб беришасми.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Янги йилга - Янги чой нави

Бугунги кунда бозору дўконларимиз турли-туман халқ истеъмолчи моллари, жумладан, хилма-хил чойлар билан тобора тўлиб бормоқда. Улар орасида қарийб бир йилдан бўён харидорларга манзур бўлаётган «Тошкент» чойининг ўзига хос ўрни бор. «TASHKENT TEA FACTORY» Ўзбекистон-Буюк Британия қўша корхонасида кадоқланаётган кўк ва қора навли Цейлон чойлари хуштаъмлиги ва инсон саломатлиги учун фойдали экани билан ажралаб туради. Тадбиркорлик билан иш юритаётган корхона хорижий шериклар билан муваффақиятли ҳамкорлик олиб бормоқда. Бу ерда цехлар янги кадоқлаш ускуналари билан жиҳозланди. Натижада корхонада жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 450 тонна чой кадоқланиб, харидорларга етказиб берилди.

Кўша корхона янги йилни янги чой нави билан кутиб олаётди. Корхонада қарийб 100 йиллик тарихга эга дунёга машхур олий навли «Ақбар» чойини кадоқлаш бошланди.

(ЎЗА).

2003 йил — Обод маҳалла йили

ҲАМЖИҲАТЛИГИМИЗ УСТУНИ

Маҳалла обод ва фаровон экан, халқимизнинг кўнгли тўқ, эртасидан хотиржам. Мамлакатимизда маҳаллага бўлган эътибор, унга берилаётган вақолатлар соғлом турмуш тарзини қарор топтиришига қўйилган муҳим кадам деб ўйлайман. Истиқболдаги йилнинг Президентимиз томонидан «Обод маҳалла йили» дея эълон қилиниши минг йиллик қадриятларимизнинг эътирофи бўлди. Бугун маҳаллаларда нима гап, ўзи маҳалла қандай бўлгани маъқул.

Сир эмас, илгари Гулистон шаҳрида бизнинг маҳалламиз энг сўнгги ўринларни банд этарди. Аммо давлатимизнинг маҳаллага бўлган эътиборини тўғри англаб етдик. Барча фаоллар энг намунали маҳалла, деган ном учун халқимиз орасида катта тушунтириш ишларини олиб боришди. Бу ерда яшовчи ҳар бир киши орасталик учун интилди. Оқибатда раво кўчалар, сўлим хиёбонлар барпо этилди. Ҳар бир ҳовлида, йўлакчаларда гулу райхонлар экишни одатга айлантирдик. Биз беш-олти йилдирки, нафақат шаҳарда, балки вилоятдаги энг намунали маҳалла деган шарафли номни сақлаб келаямиз. Бу йил ҳам маҳаллалар ўртасидаги танловда ғолибликни қўлга киритдик. Маҳалланинг юки оғир. Уни ҳамма ҳам ўз гарданига олавермай-


ди. Аммо бизда ана шундай фидойилар кўп. Шундан бири маҳалла оқсоқоли 71 ёшлик отахон Аббор ота Мўминовни фахр билан тилга олган бўлардим. Умрининг ярмини ҳайдовчиликка бағишлаган, республикада хизмат кўрсатган транспорт ходими унвоинига сазовор бўлган отахон эл-юрт манфаати учун сира тиниб тинчмайдиганлардан. У ўн нафар фарзандни тарбиялаб, намунали оила соҳиби бўлишга эришди. Оқсоқол аралашган жойда муаммога ҳеч ўрин қолмади. Маҳалладаги бирор тўй-маросим йўқки, ундан маслаҳат, тегишли йўл-йўриқ олмаган бўлса. Нуруний кексамизга ҳар бир хонадон кувончу ташвиши аён. Ана шундай фидойилар бош бўлган маҳалламизда муаммоларга ўрин қолмаяпти. Ўзига тўқ хонадонни ҳам, кам таъминланган оилани ҳам бирдек ўзига ошно

этган. Ҳамжиҳатлигимизнинг устуни дея алқашади маҳалладошлари.

Кишиларимиз саломатлиги бебаҳо бойлигимиз. Бу йил маҳалладошларимизни давлатимизнинг яна бир қўлайлиги мамнун этди. «Саломатлик» лойиҳаси бўйича барча қўлайликларга эга бўлган замонавий қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Бу ерда 13 нафар тиббиёт ходими маҳаллада истиқомат қилаётган кекса-ю ёш саломатликлари устидан назорат ўрнатганлар. Ҳар бир хонадон саломатлик посбонлари нигоҳидан четда эмас. Маҳалламизда тadbirkorлик йўналишига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Қатор савдо дўконлари, ошхоналар кишиларимиз хизматиغا камарбаста.

Халқимизда «бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», деган ибратли гап бор. Маҳалламиз аҳли бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб, обод ва пок диёр номини олажақ.

Мадамин АДАМОВ,
Гулистон шаҳридаги
Улуғобод фуқаролар
йигини раиси.



Ҳамза туманидаги «Ўзбекистон-Россия-Туркия» қўшма корхонаси бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирда 93 нафар ишчилар тўрт сменада меҳнат қилмоқдалар. Айни пайтда корхонада Германиядан келтирилган да-

стоҳларда дон ва ун маҳсулотлари учун қоплар ишлаб чиқарилмоқда.
Суратларда: илғор ишчилар Абдуворис Кодиров, Ирина Бердикулова.
Ғ.ХИДИРОВ
олган суратлар.

Илғор тажриба — кўпчилик мулки

Наманган вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшма кўмитасининг навбатдаги йиғилишида ишловчиларга зарур ва бехатар меҳнат шартношлари яратиш, уларни соғломлаштириш мавзусида гап борганда «Учкўргондонмахсулотлар» хиссадорлик жамиятида амалга оширилган ишлар алоҳида тилга олинди. Айни кунларда корхонада ишловчиларни соғломлаштириш, улар ўртасида спортни ривожлантириш борасидаги тadbirkorлар вилоятдагина эмас, балки мамлакат миқёсида омаллаштирилмоқда.

— Кейинги ойларида ушбу йўналишдаги ишларимизни ўрганиш учун кўп жойлардан келишиди, — дейди хиссадорлик жамияти касабга уюшма кўмитасининг раиси Муҳаммадҷон Ҳолбоев. — Масалан, яқинда Поп тумани ва вилоятлардаги турдош корхоналардан бир гуруҳ мутахассислар ташриф буюришиб, соғломлаштириш, жамоамиз аъзолари ўртасида спортни ривожлантириш ва омаллаштириш бўйича тажрибаларимиз билан танишиб кетишди.

Дарҳақиқат, корхона қошидаги «Олтин бош» футбол командаси вилоят ва республика мусобақаларида бир неча йиллардан бери муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Ўтган йилда эришилган натижалар айниқса, кувончли бўлди.

Корхона ишчи-хизматчилари спортнинг кўпгина турлари билан шуғулланишлари учун қўлай шарт-шароит яратиб берилган. Уйингоҳда учрашув ва мусобақалар ўтказиш учун шароит яратилган. Булардан ташқари, волейбол, теннис корти, стол теннис, шохмат-шашка ўйинлари ишчи-хизматчилари учун ҳам барча имконият яратилган. Шунингдек, корхона туман ўйингоҳида турли хил мусобақалар, беллашувлар ўтказиш, бунинг учун зарур шарт-шароит яра-

ишчи касалликлар, жароҳлик, хотин-қизлар касалликлари ва бошқа беморлик турларини муолажа қилиш бўлими фаолият кўрсатмоқда. Яна бир муҳим нарсаси ишчилар профилакторийси ташкил этилганлигидадир. Ушбу саломатлик шохобчаси эрталаб соат 10 дан кеч соат 18 гача фаолият кўрсатади. 8 ўринли бу профилакторийда электр токи билан даволаш, балчиқ, шам, «Нихол» санаторийсидан маданли сув келтириб даволаш йўлга қўйилган. Биз хиссадорлик жамиятида бўлганимизда бу ерда муолажа олаётган

ярлигини айтиб ўтиш жоиз, — деди раис. — У кишининг сабъ-ҳаракатлари билан барча цехларимизда ювениш-кийиниш хоналари намунали ҳолга келтирилди. Цехларда бўлганимизда бу гаплар қанчалик ҳақлигини кўриб, ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда ювениш хоналарини оддийгина чанг-тўзондан халос бўлиш, деб тушунамаслик керак. Навбат куттиш хоналари, полларига гиламлар тўшалган бўлиб, хордиқ чиқариш, нафас ростлаш учун шарт-шароит муҳайё. Столларга газета-журналларнинг янги сонла-

ИШДАН СЎНГ спорт мажмуасига

ишчилардан Жўрабой Отахонов, Салимаҳон Хонкелдиева, Муҳаммадҷон Йўлдошевларнинг миннатдорчилик сўзларини эшитдик.

Ишчи-хизматчиларни мамлакат ва вилоятнинг турли жойларидаги спорт турли ҳолатларга юбориш ҳам кенг йўлга қўйилган. Масалан, шу йилнинг ўзида Муродилла Ҳайдаров, Акбарали Ҳайдаралиев, Мурножотхон Абдуллаева сингари ишчи-хизматчилар ва корхонада узоқ йиллар ишлаб, пенсияга чиққанларнинг ўттиз нафари ана шундай имкониятдан баҳраманд бўлишди.

Корхонада меҳнат жараёнининг бехатар бўлишига йўлида ҳам бир мунча ишлар қилинмоқда.

— Бу борада гап кетганда биринчи навбатда корхонамиз раҳбари Садриддин Исмоиловнинг жонку-

УЧКУДУҚДА ЯНА БИР МИНИ-БАНК

Шу йилнинг феврал ойида Навоий вилоят марказидан уч юз чақирим олисда жойлашган Учқудук шаҳрида «Ўзмиллийбанк» вилоят бўлимининг яна бир шохобчаси иш бошлаган эди.

Эндиликда ушбу мини-банк ҳам турдош корхоналар, қўшма ва кичик корхоналар, фермерлар ўртасида ижобий рақобатни шакллантириш билан бирга мижозларга кўрсатилажак хизмат маданиятини яхшилашга ўз хиссасини қўшмоқда.

Ўтган вақт мобайнида мини-банк мижозлар сони 1,5 минг нафарга етди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига 314 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. «Раҳмат», «Олтой», «Ширин», «Бонг» фермер хўжалиқлари қорвачиликни ривожлантириш учун 8 миллион сўмдан кредит олди. «Эрбол» фирмаси тузани қайта ишлаш, «Феруз» фирмаси меҳнат ишлаб чиқариш учун 5-10 миллион сўмлик кредитга эга бўлди.

Мини-банк кредитлари тadbirkorларга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, республикамиз ички бозорини импорт ўрнини боса оладиган моллар билан тўлдирishга сарф қилинмоқда.

(ЎЗА).

НИЁЗБОШ ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИДАГИ ЭНГ ИЛҒОР ХЎЖАЛИКЛАРДАН БИРИ САНАЛАДИ

Шуни таъкидлаш жоизки мустақиллик йилларида бу ерда ўнлаб маданий-маиший, савдо иншоотлари, тиббий ва ўқув муассасалари бунёд этилди. Улар бугун эи хизматда.

Бундан бир неча ой олдин хўжалик томонидан ночор аҳволда келиб қолган худудий поликлиника биноси-

МУНОСИБ ТУҲФА

ни қайта таъмирлаш ишлари бошланган эди. Конституциямизнинг 10 йиллиги муносабати билан янги-дан замонавий барча имкониятларга эга шифо масканининг очилиш маросими бўлди.

Фуқаролар саломатлигини сақлаш, турли касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш ҳам ижтимоий ҳимоянинг таркибий қисмидир. Бу борада яъни аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш юзасидан хўжалик маъмурияти томонидан муайян ишлар қилинапти. Хусусан, хўжалик маъмурияти кўмагида 28,5 минг нафар аҳолига хизмат қиладиган бу маскан туманда биринчилар қатори энг замонавий асбоб ускуналар билан жиҳозланди. Бино атрофида майдон ва боғ барпо этилди. Ушбу қайта таъмирланган мажмуа қишлоғимизнинг барча аҳолига ҳақиқий янги йил туҳфаси бўлди. Ишонимизки келажакда ҳам ана шундай эзгу ишлар давом этаверади. Фурсатдан фойдаланиб жамоамиз номидан ҳомийларимизни ва барча барчани янги йил билан табриклаймиз. Улуғ нёъмат бўлган саломатлик улар қалбини ҳеч қачон тарк этмасин.

Марҳамат НИШОНАЛИЕВА,
Янгийўл туманидаги
Ниезбош худудий
поликлиникаси
бўлим мудир.

ХАРИДОР ТАЛАБИ ЭЪТИБОРДА

Бобўвутлик тadbirkor Гафурҷон Олимҷонов раҳбарлигидаги «Гўзал Турон» кичик корхонасида иш ўринлари қўлаймоқда. Эндиликда корхона қошида «Нодир» хусусий фирмаси ҳам иш бошлади.

Фирмамаиз 1998 йили ташкил этилган бўлиб, ўтган йили 1 миллион 600 минг сўм соф фойда олгандик, — деди Гафурҷон Олимҷонов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Корхонада ўттизта иш ўрни яратилган. Шундан ўнта ўрин доимий ишловчилар учун бўлиб, қолган йигирма ўрин шогирдлар учундир. Биз Бобўвут касб-хунар коллежи билан шартнома имзолаганмиз. Ҳар йили йигирма нафар қизларни гиламдўзлик, тикувчилик ҳамда зардўзлик бўлимига ўқишга қабул қиламиз. Улар ўқишни амалиёт билан баравар олиб боришади. Бу эса уларнинг касб сирларини пухта ўрганишларида қўл келмоқда.

Корхонада тайёрланаётган гиламларнинг нархи 35-40 минг сўмга тўғри келади. Бу унчалик катта нарх эмас, лекин харидор учун қимматлик қилиши мумкин. Маҳсулотлар нархини янада пайсантириш мақсадида гиламдўзликни замонавий технологияга ўтказишимиз керак, — дея давом этди Ғ. Олимҷонов.

«Нодир» хусусий фирмасида маҳсулотнинг сифатига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Чунки тadbirkorлар сифат яхшиланса, талабининг ортишига ишонилари.

«Туркистон-пресс»

Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, меҳнаткашларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилиш кўнчилигини шакллантириш ва меҳнат қонунчилигига оғишмай риоя қилинишини жамоатчилик асосида назорат қилиш касабга уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирини ташкил этади. Ўзбекистон алоқа ходимлари касабга уюшма Марказий кўмитасининг 2002 йил 8 октябрдаги қарорига биноан, соҳа корхоналарида меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши ва касабга уюшмалари томонидан меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини химоялаш юзасидан олиб бораётган ишлари Сирдарё, Тошкент, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган бир қатор корхоналарда ўрганиб чиқилди. Жойлардаги корхоналар ва касабга уюшма ташкилотлари фаолиятида ижобий натижалар билан биргаликда талай камчиликлар ҳам маъжудлиги аниқланди.

Марказий кўмита ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедовнинг берган маълумотларига кўра, «Жиззах почтаси», «Сурхондарё телеком», «Матбуот тарқатувчи», «Алоқавест», Алоқа коллежи, «Тошкент почта-ти» каби корхоналарда Меҳнат Кодексининг айрим моддаларига риоя қилинмаган ва уларга зид равишда фаолият юритилган. Айниқса, почта корхоналарининг туман филиалларида кадрлар билан ишлаш вазифалари тегишли мутахассисликка ва ҳуқуқий малакага эга бўлмаган ходимлар зиммасига юклатилганлиги оқибатида қонунбузарликлар содир

йил 2 сентябр кунги 20-буйруқ билан фаррош Надежда Дадаева билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Аммо ходим буйруқ билан таништирилмаган, унга буйруқ нуҳсаси берилмаган. Бу ҳолатда иш берувчи томонидан Меҳнат Кодексининг 108-моддаси талабларига риоя қилинмаган.

Жиззах вилоятидаги почта ходимларига жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёзлар ва қўлайликлар «Жиззах почтаси» хиссадорлик жамияти раҳбари

Г.Қўлдошевнинг буйруғи билан 2002 йил 1 мартдан бошланган бир томонлама ноумуайим мuddатга тўхтаб қўйилган. Ушбу хиссадорлик жамиятининг пайчилари бўлган меҳнат жамоаси аъзоларига дивидентлар йил давомида тўланмаган. Аммо Ғ.Қўлдошев меҳнат жамоаларида ишлаётган меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш ўрнига, ходимларнинг меҳнат

хуқуқларини поймол қилиш, касабга уюшмалари ва меҳнаткашларнинг қонуний талабларини инкор этиш билан банд. Вилоят бирлашган касабга уюшма кўмитасининг раиси Н.Мамадалиевнинг эса бу аҳволни кўриб туриб, хотиржам юриши кишини таажжублантиради. 2001 йил 1 октябрдан ноқонуний равишда ишдан бўшатилган С.Нурматова айнан Ғ.Қўлдошевнинг манманлиги ҳамда

вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар корхоналарида ҳам содир этилмоқда. Яна бир ҳолат. «Сурхондарё телеком» Музработ туман боғламаси раҳбари Н.Нормуродов ўз қўл остида катта телефончи бўлиб ишлаётган фуқаро Ғ.Умарованинг нафақа ёшига етганини рўқач қилиб, ишдан бўшатади. Ачинарли томони шундаки, фуқаронинг конституциявий меҳнат қилиш

ий талаби ҳамда Агентлик раҳбарияти аралашуви билан у ўз ишига қайта тикланди. Лекин, оддийгина низони шу даражада чигаллаштириб, меҳнаткашнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини очикдан-очик менсимаетган, катта миқдорда моддий ва маънавий зарар етказган «ўзи хон, кўланкаси майдон» амалдорларнинг бу қилмишларини қандай тушуниш мумкин?

Меҳнат қонунчилиги талабларини бажармаётган, қонунларни билиб-билмасдан иш юритаётган раҳбарлар фаолиятига чек қўиш вақти етмадимики? Бу каби саволларга «Ўзбектелеком» хиссадорлик жамияти раҳбарияти жавоб беради, деган умиддамиз. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Қонун устуворлигини ва адолат тантанасини қарор топтириш ҳар бир мансабдор шахсоннинг муқаддас бурчига айланмоғи лозим». Шу билан бирга ҳар бир касабга уюшма аъзоси ўз ҳақ-ҳуқуқи учун кураша билиши шартдир.

А.ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири.

РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ уни ким, қандай ҳис этмоқда

Г.Қўлдошевнинг буйруғи билан 2002 йил 1 мартдан бошланган бир томонлама ноумуайим мuddатга тўхтаб қўйилган. Ушбу хиссадорлик жамиятининг пайчилари бўлган меҳнат жамоаси аъзоларига дивидентлар йил давомида тўланмаган. Аммо Ғ.Қўлдошев меҳнат жамоаларида ишлаётган меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш ўрнига, ходимларнинг меҳнат

Н.Мамадалиевнинг катъиятсизлиги туфайли бир йилдан кўпроқ вақтдан бери мажбуран ишсиз юрган. Яқинда, яъни 2002 йилнинг 24 октябрда Республика Олий суди Нурматовга нисбатан йўл қўйилган ҳақсизлик ва адолатсизликка чек қўйиб, уни ишга тиклаш тўғрисида қуйи судларга кўрсатма тарикасида ўзининг ақримишни чиқарди. Бундай аҳвол, яъни меҳнат қонунчилигига риоя қилинмаслик Сирдарё, Самарқанд

хуқуқи иш берувчи томонидан чекланишига вилоят бирлашган касабга уюшма кўмитаси раиси А.Даминов ва унинг фаоллари оддий кузатувчи бўлиб қолдилар. Ушбу низо бир неча марта суд идораларида кўриб чиқилган. Қонуний ҳуқуқлари қўпол равишда бузилган Ғ.Умарова ёрдам сўраб алоқа ходимлари Марказий Кўмитасига мурожаат қилишга мажбур бўлган, Марказий Кўмитанинг катъ-

ҲАЁТ — ГАЗЕТА — ГАЗЕТХОН

Миннатдорчилик

ИШ ҲАҚИМ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Хурматли «Ишонч» газетаси тахририяти!
Мен ўзим ишлаётган мактабни таъмирлаш ишларида қатнашганим, аммо бир йилдан буён шартномада кўрсатилган иш ҳақимни ололмай келаётганим масаласида ёрдам беришни сўраб газетатга хат ёзган эдим. Мақтубим Қамашни тумани Халқ таълими бўлими томонидан текширилганда, тасдиғини топди. Ва менга иш ҳақим ундириб берилди.

Адолатни тиклашдаги саъй-ҳаракат учун тахририятга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Раҳматилло МЕНГИРОВ,
Қашқадарё вилояти, Ноғоҳон қишлоғи,
А.Навоий номидаги мактаб ўқитувчиси.

Таклиф

ТАВСИЯЛАР КЎПРОҚ БЕРИЛСА

Туманимизда меҳнаткашлар манфаати йўлида кўпгина ибратли ишлар қилинмоқда. Хусусан, хўжалигимизда яратилган иш шариоити барчани қувонтирмоқда. Техника паркидаги, шийпонлардаги, бошқа ишлаб чиқариш бўлимларидаги ахволдан қониқиб ҳосил қилиш мумкин. Хўжалик бошқаруви вакиллари, касабакўм фаоллари тез-тез ишчилар билан суҳбатлашиб, фикрларимизни, таклифларимизни сўраб, қилинаётган ишлар ҳақида ҳисоб бериб туришади.

Ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни рўйбга қиришда биз «Ишонч» газетасидаги мақолалардан кўп нарса ўргандик. Масалан, жамоа шартномасининг намунавий нусхаси эълон қилиниши айти мудоа бўлди. Бу билан газета барча корхоналарда меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий асоси яратилишига амалий ёрдам берди, десак муболага эмас.

Энди битта мулоҳазамиз, таклифимиз бор. Туман, вилоят касабга уюшма кўмиталарининг тавсияси, хўжалик раҳбарларининг ёрдами билан иш ва дам олиш шариотларини яхшилаб бораялмиз. Лекин бунда бирор меъёр, мезон борми? Газета саҳифаларида иш жойларининг, дам олиш хоналарининг намунавий тавсифи, жиҳозланишига оид маълумотлар, тавсиялар берилишини истардик.

М.АҲМЕДОВ,
М.ДАВРОНОВ,
Самарқанд туманидаги «Дўстлик» хўжалиги аъзолари.

Хабар

ҚИШЛОҚ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Қишлоғимиз анча чеккада жойлашган бўлса-да, мустақиллик шарофати ила сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Сўнги 2-3 йилда қишлоқ йўлига асфальт ётқизилди. Янги мактаб биноси қад ростлади. Аиниқса, бу йил қурилиб, ишга туширилган врачлик пункти барчани хушнуд этди.

Эндиликда беморлар тиббий муложага учун ўнлаб километр йўл босиб, хўжалик ёки туман марказига қатнаш ташвишидан қутилдилар.

А.БОБОБЕКОВ,
Баҳмал тумани А.Усмонов номи хўжалик ҳудудидаги «Оққўрғон» маҳалла оқсоқоли.



ЖУРНАЛИСТ ТАҲЛИЛИ

масала моҳиятини очиши керак

Мен кўп йиллар маориф соҳасида ишлаганман. Касбим тақозосига кўра матбуот нашрлари билан ҳамкорлик қилганман, фаолиятимда улардан фойдаланганман. Шунинг учун оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни ва қудратини теранроқ англайман. Зеро, матбуотга халқ минбари, деб таъриф берилиши бежиз эмас. Мазкур минбар орқали айтилаётган ҳар бир сўз асосли, ҳолис, халқ ва давлат манфаатларига хизмат қилиши керак.

«Ишонч» газетаси ўқувчилари кўпаяпти деб ўйлайман. Чунки, республика касабга уюшмаларининг нашри меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилаёпти. Албатта, бунга осонликча эришилмайди.

Шундай бўлса-да, ўзимнинг баъзи мулоҳазам ва эътирозларимни билдирмоқчиман. Бунинг учун газета жамоаси мени маъзур тутадми, деб ўйлайман. «Ишонч»да иқтидорли журналистлар анчагина. Мақолаларнинг савиясидан бунга биламиз. Лекин кейинги вақтларда газетанда жиддий таҳлилий, журналист суриштируви натижасида ёзилган мақолалар

етарли даражада кўп деб бўлмайди. У ёки бу ваколатли идоранинг ҳисобот-маълумоти, суд ва прокуратура, солиқ идорасининг ҳужжатига суяниб тайёрланган мақоладан наф кам. Айтайлик, жиноятнинг қонун бузилиш ҳолларининг руҳий-маънавий, ижтимоий сабабларини очи бериш, масаланинг туб-тубига етиб бориш журналистнинг вазифасига қиради. Зеро ҳар бир ҳаракатнинг ташқи ва ички сабаблари бўлади. Ана шунга кўра олиш, кўрсатилиши керак. Аниқланган далилларни қуруқ қайд қилиш, баёнчилик матбуотга обрў келтирмайди. Гап фақат

Мулоҳаза

Фоторепортаж

МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР

Бугун Қашқадарёнинг қайси бир гўшасида бўлган, ким билан суҳбатлашсанг, изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳақида қувониб гапирди. Меҳнаткашларга яратиб берилаётган қўлай шарт-шароитлар боис меҳнат унумдорлиги ошиб, унга бўлган муносабат кун сайин ўзгариб бормоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш самарадорлиги яхшиланаётганлигини эътироф этишмоқда.

Кириб келаётган 2003 йил Обод маҳалла йили деб эълон қилинганлиги барча қатори воҳа аҳлини ҳам янги марралар сари илҳомлантириб юборди.

— Фидокорона меҳнатларим инобатга олинди, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвонига сазовор бўлдим, — дейди Қарши туманидаги Собир Раҳимов номидаги ширкат хўжалиги раҳбари Суюн Абдиев (юқорида иккинчи).

Улар кўп, ҳар бирининг ўз айтар сўзи, эзгу тилаги бор: Китоб туманида яшовчи Йўлдош Турсунов пирубадавлат отақонлардан саналади. Кексалик гаштини сураётган Йўлдош ота ўтаётган ҳар бир кунимизга шукроналик келтириб, юртимизга, халқимизга омонлик тиламоқда (юқорида ўнгдан биринчи).

Косон туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги тракторчиси Суяр Жумаев ҳам фидокорона меҳнати билан обрў топганлардан.

Нишон дон маҳсулотлари қабул қилиш очиқ ҳиссдорлик жамиятида 18 йилдан буён фидокорона меҳнат қилаётган лаборант Сайгул Чориевани ҳамкасблари ўз касбининг устаси сифатида ҳурмат қилишади. (юқорида чапдан биринчи)

Халоват Шукурова Шаҳрисабз туманидаги Амир Темир номидаги ширкат хўжалигининг пешқадам сийир соғувчиларидан ҳисобланади.

— Сигирнинг сuti тилида, — дейди Халоват опа. — Говмишларни меҳр билан парваришлаганим боис ҳар йил сут соғиб олиш режасини ошириб урдаладим. 16 йилдан буён шундай меҳнат қилиб кам бўлмадим (пастда ўнгдан биринчи).

Бешкентдаги «Қарширадиатор» кўшма корхонаси ишчиси Собир Раҳимов меҳнатидан жамоа мамнун. Бу ерда 40 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, уларнинг ўртача ойлик маоши 40-45 минг сўмни ташкил этаёпти.

Китоб туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Очиловни доимо маҳалла фаоллари билан муҳим масалаларни ҳал қилиб турганида урчатадиз.

Косон туманидаги Бобур номидаги фермерлар уюшмасида бир неча йилдан буён самарали меҳнат қилиб келаётган Нарзулла Хўжайров оиласи бу йил ҳам ишлаб чиқариш шартнома режаларини ошириб баҳарди. Турмуш ўртоғи Гулбаиб Нормуродова узатган бир пиёла чойдан завқланиб, янги марралар сари интилади.

Қарши тиббиёт коллежи талабаси Машҳура Отаназарова аёло ўқиси ва ҳулки билан тенгдошлари орасида ҳурмат қозонмоқда.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, воҳанинг нақадар катта тарихий ва маданий меросга эга эканлиги, бетакор табиий бойликлари ҳақида ҳар қанча тўқиниланиб гапирса арзийди. Бир сўз билан айтганда, вилоят аҳли ўтаётган ҳар бир кунга шукрона айтаётганлиги аниқ.

Н.УМАРОВ,
Кўшработ тумани.

ҲАР КИМНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАСИ БОР

Мен бир газетхон сифатида «Ишонч»ни мунтазам ўқиб бораман. Аиниқса, унда доимий бериб борилаётган «Хўқуқий маслаҳатхона»дан кўп нарса олам.

Бир воқеа мени кўлимга қалам олишга ундади. Ана вқт илгари ишончимиз ҳисобини соғлиги бўйича ногиронларнинг ойлик маошидан қонунда белгиланганидан анча ортиқ миқдорда солиқ олиб қолар, бунга ҳеч ким бош ҳисобига ўқтирилмас, у бўлса, «юқоридан бизга бу ҳақда кўрсатма йўқ», дея қўларди. Қонуний олинганлигини солиқ ҳақидаги маслаҳат «Ишонч»да босилди-ю мушуқулимиз осон бўлди-қўйди. Энди таклифимга келсак, «Ишонч» газетаси мамлакатимиздаги ҳар бир мактабда бўлиши керак. Негаки, барча ўқув даргоҳларида бошланғич касабга уюшма ташкилоти фаолият кўрсатади. Боз устига ҳуқуқий саводхонлик ҳар кимга зарур. Маънавийнинг ҳам йўли бор, албатта.

Мен туманимиз таълим ва фан ходимлари касабга уюшма кўмитасига ана шундай таклиф билан қичдим. Тақдирим инобатга олинди, 2003 йил учун обунани кўпайтирдик.

Абдуназар ХАЛИЛОВ,
Пахтакор туман халқ таълими бўлимининг услубчиси.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Тахририятга юз варақдан иборат шикоят хати ва ҳужжатлар келди. Ўқиш ва ўрганиш жараёнида қуйидагилар маълум бўлди:

— Озод Қодиров 1992 йилнинг бошида Кўшқўпир туманида биринчи бўлиб фермер хўжалиги тузишга ҳазм этди. «Гулистон» ширкат хўжалигининг ўша пайтдаги раҳбарлари ҳам йўқ дейишмади: унга

фермер хўжалиги ҳам туман ҳокими аттестациясидан ўта олмади. Сабаби аён: хўжалиқнинг давлатдан қарздорлиги ва иш натижаларининг пастлиги эди. Шундай қилиб, ўша пайтдаги туман ҳокими ў.Абдуллаевнинг 1998 йил 17 сентябрдаги қарори билан «Ўзбекёп» фермер хўжалиги иккинчи марта тарқатиб юборилди.

казига гоҳ хат ёзиб, гоҳ ўзим бордим. Ниҳоят, ўтган йилнинг 17 августда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг А.Бобокулиев расолигидаги судлов ҳайъати Кўшқўпир туман судининг хал қилувчи қарорини бекор қилиб, ишни бошқа ҳайъатда қўриш ҳақида ажрим чиқарди. «Ўзбекёп» фермер хўжалиги иши ви-

КЎШҚЎПИРЛИК ҚАЛДИРҒОЧ ФЕРМЕР ЙЎЛИГА НЕГА СУНЬИЙ ТЎСИҚ ҚЎЙИЛДИ?

шўрхок майдонлардан 7.2 гектар ер ўлчаб берилди. — Ол, ҳосилингда барака, бола-чақанг, уруғ-аймоғинг билан ишлайвер!

Раис бу сўзларни айта туриб нега мийиғида қулиб қўйгани сабабини Озод ёз мавсумига келиб, сийрак кўккарган гўза ва озуқа экинлари шўрға тоб бера олмай, қовчираб қолганидан кейингина англади. Фермер «Гулистон» жамоа хўжалиги билан тузган шартнома режаларини бажара олмадими, ҳар ҳолда 5.5 тонна сут ва 2860 килограмм гўшт топширди. Шунга қарамадан қилдан қийик ахтарган раис: — фермерлик қўлингдан келмас экан, нима қилардинг ўзининг қийнаб, ҳам ернинг умрини беҳуда ўтказиб? Олий маълумотли иқтисодчиси, иш топ, мен эса ерни пудратга бераман, — деди ва ҳокимнинг қарори чиқишини кутиб ҳам ўтирмасдан ўзбошимиз чалик билан ерни тортиб олди.

Озод ҳам анойилардан эмасди. У ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб, юқори ташкилотларга шикоят қила бошлади. «Ўзи ташландиқ ерни беришди, бунинг устига жамоа раҳбарлари шартномада кўрсатилганидек ем-хашак ва техника воситаларидан ёрдам бер-

ришмади. Ниҳоят, ҳақиқат қарор топгандек бўлди. «Гулистон» жамоа хўжалиги расолининг қарор ва буйруқлари бекор қилинди.

Шундай қилиб фермер Озод Қодировга яна ўша шўр босган, унумсиз дала қайтариб берилди. Фермер ернинг мелiorатив ахволини яхшилаш мақсадида булдозер ва скрейпер сўраб хўжалик раҳбарлигига, туман ҳокимига мурожаат қилди. Лекин барча уринишлари беҳуда кетди. Илоҳи қўлмагач, бу ишларни ўз маънави хисобига қилишга ҳазм айлаб, банклардан кредит олишга уриниб қўрди, яна бўлмади. Фермер хўжалиги ўн бир аъзосининг қуллари шартномада кўрсатилган маъданли ўғитни олабилмасликдан жаҳл отига миниб билан ўта бошлади. Хатто экинларга сув бермай қўйишди. Табиийки, яна кўнгилдагидек ҳосил олинмади.

Йиллар ўтиши билан хўжалик раҳбарлари, туман ҳокимлари ўзгарди-ю, Хоразмда Озодбойдан ҳолинг не кечаяпти, деб сўрайди-ган мард топилмади. Боз устига Кўшқўпирнинг қалдиригоч фермери қанотини 1998 йилга келиб иккинчи марта қайришди. Тумандаги 8 та фермер хўжалик, шу жумладан, Озод Қодировга тегишли «Ўзбекёп»

Қонун бўйича мулки, муҳри, штампга бор ва юридик шахс ҳисобланган фермер хўжалигини тарқатиб юбориш ҳўжалик суди томонидан банкротлик эълон қилинганидан сўнг амалга оширилиши инобатга олинмади.

Иккинчи марта еридан ажралиб қолган фермер яна турли ташкилотларга гоҳ ёзма, гоҳ озаки мурожаат қила бошлади. У ишини лухта тутди. Қаерга шикоят қилса, ёзишманинг нусхасини сақлаб бераверди. Ҳозир унинг қўлида семизгина иккита папка бор. У билан таънишиб чиққан кишига жафокаш фермернинг сарсон-саргардонлиги, ахволи руҳий яққол намоеён бўлади. Фермер сақлаётган меъёрий ҳужжатлар билан бир қаторда мавжуд газета қирчиларини бир-бир қўздан кечираман ва таги қизил сиёҳ билан қизиб қўйилган ушбу сўзларни ўқийман: «Фермерлар аграр ислохот тизимининг биринчи қалдиригочлари. Уларнинг қанотларини сандирмайлик. Уларни асраш, авайлаш, парваришlash керак». 1994 йил 18 февралда Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Юртбошимиз томонидан айтилган эди бу сўзлар.

— Ҳақиқат эғлилади, аммо синамайди, — дейди О.Қодиров, — руҳимни туширмадим, вилоят ва республика мар-

Эркин ЭРАТОВ.

Тасаддиқинг кетай, фаровонликка нима етсин. Пулингиз бўлса бас, бозорда жондан бошқа ҳамма нарсани топса бўлади. Агар қўйиб берсангиз, пул топнишга муккасидан кетган «тадбиркорлар» ўша жонни ҳам муҳайё қилншади...

Кўни кеча ул-бул ҳарид қилиш учун «Чорсу» буюм бозорига бордим. Сотувчи ҳам, олувчи ҳам кўп. Кимдир ҳариддан хурсанд, кимдир... Хуллас, айланб-айланиб мўлжаллаган нарсаларимни олдим. Уйга қайтаётиб, метронинг кириш томонида қўлигга, жағи-жағига тегмай ўз молини мактабтан бир гала сотувчиларга кўзим тушди.

— Опа, мана бунисини олинг, ўзимиз эри-да, оригинал... кўлига бир даста пирубадевлат воситаларини кўтариб олган йигит ёнимга қочиб келиб, ўз матаҳини ўтказмоқчи бўлди.

Ана «Бизнес» у мана «Бизнес». Янги йил арафасида «Пақ-пақ» сотабтганларнинг кетмони осмонда учаётган

экан-у, биз билмай юрган эканмиз. Аммо мени икки нарсга ҳайратга солди. Биринчиси,

билан юради. Кекса ёхуд ҳомилдор аёлларни-ку қўяверинг — бехосдан пақиллаган товушдан бир сакраб тушади. Бу эса соғлиққа, жуда бўлма-

«ПАҚ-ПАҚ»ЧИЛАР

шундай воситаларнинг реструкурага олиб келиниши ва сотилиши таққилланганга қарамай, нақ бозорнинг ўртасида бемалол савдо қилаётган «тадбиркорлар» бўлса, иккинчиси ушбу воситаларни қўлаш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган кўнгилисиз ҳолатларга ақли етса-да, барибир сотиб қўлаётган мард-катта кишилар.

Кўчада киши минг хил хабл

Равно СОБИРЖОН қизи,
Тошкент шаҳри.

Саҳифани тайёрловчи: Комила БОЙМУРОДОВА.

«ЎҚУВ МАШГУЛОТЛАРИ... КЎЧАДАМИ?»

Ушбу сарлаҳа остида газетамизнинг 19 октябр сонида таққидий мақола чоп этилганди. Унда таълим юзасидан ислохотлар қизган паллага кирган пайтда Жиззах вилоятида кўнгилиги хира тортирувчи ҳолатлар мавжуд эканлиги ачинаш билан қайд этиб ўтилганди.

Тахририят мазкур мақолага Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Субонқулов имзоси билан жавоб олди. Унда шундай дейилди: Мақола вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, капитал қурилиш бошқармаси ва тегишли ташкилот раҳбарлари иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди ва тиббиёт коллежи курилишидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар белгиланди.

«Ишонч»га жавоб берадилар

Бугунги кунда 2 та ўқув биносига қурилиш ишлари ниҳоят-сига етказилди, ўқув бинолари жиҳазлар билан тўлиқ таъминланди ва ўқув машғулотлари белгиланган тартибда олиб борилмақда. Тиббиёт коллежи ва унинг ёрдамчи бинолари қурилиши ақида тўлиқ фойдаланишга топширилган режалаштирилган.

Бундан ташқари Бўстон касб-хўнар коллежини ҳам фойдаланишга топшириш бўйича барча чора-тадбирлар қўрилмоқда. Жорий йилнинг 9 ой якунига кўра вилоятда 3 та касб-хўнар коллежи: Арнасой туманида «Машини хизмат», Жиззах шаҳрида «Индустриал», Жиззах туманида «Кулама» касб-хўнар коллежлари қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди.


Шунингдек, вилоят ҳудудидаги касб-хўнар ўқув юрталарида кузги-қишки мавсумга тайёрларлик бўйича чора-тадбирларда белгиланган ишлар ниҳоясига етказилди. Янгиобод қишлоқ касб-хўнар коллежидаги иситиш тармоқлари мунтазам равишда ишлаши учун кўмир билан тўлиқ таъминланди.

ЎЗБЕКИСТОН САНАТОРИЙЛАРИ ЧОРЛАЙДИ



«ТУРОН». Юрак-қон-томир, асаб тизими, гинекологик касалликларни даволашга ихтисослашган.

«ЧИНОБОД». Овқат ҳазм қилиш, гинекологик, қандли диабет касалликлари даволанади. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан юқори бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.



«БОТАНИКА». Овқат ҳазм қилиш аъзолари ва асаб тизими касалликларини даволашга мўлжалланган. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.



«ЧОРТОҚ». Таянч-ҳаракат тизими, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб тизими, тери ва гинекологик касалликлари даволанади. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан келиб, кўнгилли дам олиши учун шароит яратилган.

«СИТОРАИ МОҲИ-ХОСА». Буйрак касалликлари (ёз фаслида), овқат ҳазм қилиш, асаб ва таянч-ҳаракат тизими учун фойда фойдали.

«БЎСТОН». Юрак-қон-томир, асаб, урологик касалликларга чалинганларга тавсия этилади.

«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликларига мўлжалланган.

«АБУ АЛИ ИБН СИНО». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари муолажа қилинади.

«УМИД ГУЛШАНИ». Гинекологик касалликлари ҳамда бепуштлиқ билан оғриган кишилар даволанади.

«НИҲОЛ». Овқат ҳазм қилиш аъзолари, суяк-мушак, асаб тизими учун фойда фойдали.

«МАРҲАМАТ». Юрак-қон-томир, асаб тизими ва сурункали тери касалликлари даволанади.

«КОСОНСОЙ». Суяк-мушак, асаб тизими ва юрак-қон-томир касалликлари, овқат ҳазм қилиш аъзолари даволанади. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан келиши мумкин.

«ГУЛПАРШИН». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлари жуда яхши даволанади.

«ОҚТОШ». Нафас олиш аъзоларининг сил дардига алоқадор бўлмаган касалликларига тавсия этилади.


«СЎҚОҚ» оилавий пансионати.

«МИРОҚИ». Асаб тизими ва юрак, қон айланиши аъзолари касалликларига жуда нафи тегади.

«ХОНДИЗА» дам олиш уйи.

«ХОНҚА» Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликларига мўлжалланган.

«ЗОМИН» Нафас олиш аъзоларининг сил дардига алоқадор бўлмаган касалликлари билан оғриган кишилар даволанади.



АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА-БАНК» КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВИ

*Барча акциядорларни
ҳамда миждозларни
яқинлашиб келаётган
Янги 2003 йил билан
қизгин табриклайди.*

**Жондан азиз Ватанимиз-хур
Ўзбекистон гуллаб-яшнаўверсин!
Эзгу мақсад ўлидаги барча
саўй-ҳаракатларингиз ҳамиша
бароридан келсин.**

«ПАХТА-БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Маълумки, Қашқадарё нефт ва газ казиб чиқариш бўйича мамлакатимизда етакчи ўринни эгаллайди. Шўртангаз кимё мажмуаси, Шўртангаз ва Муборак газни қайта ишлаш корхоналари учун малакали мутахассислар етказиб берилган Қарши муҳандислик институтининг фаолият кўрсатаётганига 10 йил тўлди. Утган вақт мобайнида олийгоҳни 3500 нафар талаба тамомлаб, ҳаётга йўлланма олдидлар.


Институт ректори, Олий Мажлис депутати, профессор Муродилло Нормуродовнинг таъкидлашича, ўтган 10 йил олийгоҳ учун муваффақиятларга бой бўлди. Хусусан, таълим самарадорлигини сезиларли даражада оширишга эришилди. Шунингдек, ўқитувчи ва талабаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу фикримизни кўйидаги ўқитувчи ва талабалар ҳам тасдиқлашди.

Алланазар ТАШАТОВ, муҳандис-техника факультети декани, доцент:

— Факультетимизда 1125 талаба учта мутахассислик бўйича тахсил олмақда. Ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий ишлар Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида олиб борилган. Профессор-ўқитувчиларимиз томонидан барча фанлар бўйича давлат тилидаги маъруза матнлари, услубий қўлланмалар тайёрланиб, чоп қилинган. Замонавий

компьютерлар билан жиҳозланган ўқув хоналари

ТАЛАБАЛАР ВА ЁШ ОЛИМЛАР учун шароитлар мавжуд



таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишда катта имконият яратмоқда.

Талабалар ўқув ишлаб чиқариш амалиётларини Шўртангаз кимё мажмуаси, Электр тармоқлари корхонаси, Талимаржон ИЭС, Шўртангаз ҳамда Муборак

нефтгаз шўба корхоналарида шартнома асосида ўтайдилар. Мазкур корхоналарнинг етакчи мутахассислари талабаларнинг малакавий битирув ишлари, амалиётлари раҳбарлик қилдилар. Бу, албатта, ўз самарасини бермоқда.

рок этиб, Германияда ўз мутахассислиги бўйича магистратурада ўқини давом эттирмоқда.

Умид УЗОКОВ, Беруний номидаги стипендия соҳиби:
— Битирувчи курс талабасиман. Яна бир неча ой-

Ислоҳот мевалари

матимиз томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик деб биланман.

Наврўз ЭРМАТОВ, ёш олим:
— 2000 йил май ойида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Диссер-

нинг «Нефт ва газ иши» кафедрасида доцент лавозимига ишляман. Жамоамиз асосан ёшлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг кўпчилиги пойтахтдаги университет ва илмий тадқиқот институтларининг илмий излашишдаги аспирантларидир. Муҳими, биз, ёш олимлар учун барча шароитлар яратиб берилган.

Дилшод ТОЖИБОВ, муҳандис-техника факультети талабалар касса уюшмаси кўмитаси раиси:

— Факультетимиз талабаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга катта аҳамият берилган. Институт ҳузуридаги профлакторийда улар даволашни билан бирга соғлиқларини ҳам тиклайдилар. Кам таъминланган, иқтисодий жиҳатдан ночор оила фарзандларини ижтимоий муҳофаза қилиш доимий эътиборда.

Талабаларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Шўртангаз шўба корхонаси ва Муборак газни қайта ишлаш заводи маъмуриятлари яқиндан кўмак бераёпти. Бу эса кам таъминланган оила фарзандларининг аъло ўқиби, чуқур билим олишлари катта имконият яратмоқда.

Ш.ШОКИРОВ.



дан сўнг институтни тугаллаб, ишлаб чиқаришга боғланман. Илм даргоҳида ўтган давр мен учун катта ҳаёт мактаби бўлди. Устозларимдан фан сирларини мукаммал ўргандим. Беруний номидаги стипендияга сазовор бўлдим. Бунинг муҳта-рам Юртбошимиз ва ҳуку-

матимиз томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик деб биланман.

Хозирги кунда институт-

Бокс

ГОЛИБЛАР ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТИДА

мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладилар

Пойтахтимизнинг «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати беллашувлари ниҳоясига етди. Қарийб бир ҳафта давом этган мусобақаларда жами 148 нафар «чарм қўлқоп» устаси 11 вазн тоифасида рингга чиқдилар. Бу йилги баҳсларда икки эътиборли жиҳат кўзга ташланди. Биринчиси, 71 килограмм вазн тоифаси мусобақа дастуридан олиб ташланди, 63,3 килограмм 64 га, 67 эса 69 килограмм вазнга ўзгартирилди. Иккинчидан, Бокс федерацияси ёш, умидли боксчиларга катта эътибор қаратди. Уларнинг баҳсларда қатнашувига етарли шароит ва имконият яратиб берилди. Айтиш мумкинки, ёшлар ҳам бу ғамхўрликдан унумли фойдаландилар. Улардан икки нафари шохсўпага кўтарилди. Айниқса, фарғоналик иқтидорли боксчи Азиз Раҳмоновнинг рингдаги ишончли ҳаракатлари муҳлис ва мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди. Эндигина 17 ёшга тўлган Азиз 91 килограмм вазнда Боку шаҳрида ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати голиби бўлган эди. Катталар баҳсида илк бор қатнашган боксчи наманганлик халқаро тоифадаги спорт устаси Нозим Азимовни икки марта ноқдаун ҳолатига тушириб қўйди ва мuddатдан олдин ғалаба қозонди.

Яна бир ёш боксчи, андижонлик Баҳодир Султонов финал баҳсида наманганлик рақибини очколар ҳисобида мағлуб этиб, 54 килограмм вазн тоифасида мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Қолган вазн тоифаларида эса қуйидаги боксчилар қўли баланд келди: Камрон Қосимов (Жиззах вилояти, 48 кг), Равақт Эралиев (Қўқон шаҳри, 51 кг), Алишер Раҳимов (Тошкент вилояти, 57 кг), Жаҳонгир Сувоқулов (Жиззах вилояти, 60 кг), Баҳодир Сиддиқов (Фарғона вилояти, 64 кг), Отабек Бөбожонов (69 кг), Шерзод Абдураҳмонов (Сирдарё вилояти, 75 кг), Шухрат Рўзиметов (Хоразм вилояти, 81 кг), Рустам Саидов (Тошкент шаҳри, 91 кгдан юқори).

Баҳсларни америкалик таниқли промоутер Кени Адамс ва машхур боксчи Мухаммадқодир Абдуллаевлар фахрий меҳмон сифатида кузатиб бордилар.

Чемпионат янги истеъодларни кашф этди. Энди улар терма жамоа сафида келгуси йил бўладиган Осиё чемпионати баҳсларида тайёргарлик кўрадилар, Афина олимпиадаси йўлланмалари учун кураш олиб бордилар. Уйлаймизки, боксчиларимиз халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

Абдулхай МАМАЖОНОВ.

Оғир атлетика

БАРЧАГА МАНЗУР

Моҳир оғир атлетикачи Эркин Каримовнинг номи жаҳон рекордчиси ҳамда кетма-кет ўн икки марта Ўзбекистон чемпиони сифатида муҳлисларга яши маълум. Шу боис ҳам фахрий спортчи кубоги учун Тошкентда ўтказилган республика мусобақаси кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди.

«Ёшлик» кўнгилли спорт жамиятининг оғир атлетикачилари мусобақада фаол қатнашиб, соҳибдорлик ўринларини қўлга киритишди. Мансур Чашмиев, Владислав Кедрачев, Юрий Хникинлар эса ўз вазн тоифасида мусобақа чемпиони бўлишди.

Ўзбекистон оғир атлетика Федерацияси қарори билан бундай мусобақалар 2003 йилдан эътиборан халқаро турнир сифатида ўтказиладиган бўлди.

Зулфия ЮНУСОВА

Касбга садоқат

рибасини ўртоқлашиб туради. Маҳалла кўмитаси йигинларида эса доимо бош-қош.

— Фарзандларимиз — юртимиз келажяги. Уларнинг орзу-истаклари, дунёқарашлари, ўй-

нинг Бешкапа қишлоғида туғилиб ўсган Бегали ака турмуш ўртоғи Хидоят опа билан бирга беш нафар ўғил-қизни ўзи сингарии Фидойи, меҳнатсевар инсонлар этиб воёга етказишди. Ҳозирда фарзандлари ва набиралари даврасида умргузаронлик қиладиган 62 ёшли ички ишлар фахрийси, истеъфодаги милиция полковниги Бегали ака Раҳмоновнинг ишончи комил: эл тинчилиги, юрт осойишталиги йўлида қилинган ҳар эзгу ишнинг умри боқийдир.

Ўзбекистон тумани-

Ўзбекистон енгил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касба уюшма Марказий кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят кўмиталари Марказий кўмита ташкилий бўлим мудири Шаҳодат Тулагановага акаси **Талъат ТУЛАГАНОВ**нинг бевақт вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.20

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий кўмитаси Самарқанд давлат чет тиллар институтининг ректори, Марказий кўмита аъзоси Юсуф Абдуллаевга синглиси **Ирода АГЗАМОВА**нинг бевақт вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Маъруза: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 9110 Буюртма Г— 1119. 1 2 3 4 5 6

НАВОИЙ МАКТАБЛАРИГА ГРАНТЛАР

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Япония ҳукумати Ўзбекистонга кичик ҳажмдаги лойиҳалар бўйича бегараз ёрдам сифатида Навоий вилоятидаги 5 та ўрта умум таълим мактабларига грантлар топширилди.

Яқинда Наманган вилоятидаги таълим муассасаларига топширилган грантларнинг миқдори 327 миң 263 АҚШ долларини ташкил этган эди. Бу сафарги грантларнинг умумий миқдори

236 миң 991 АҚШ долларини ташкил этмоқда. Анжуманда Япониянинг мамлакатимиздаги Факултетада ва Мухтор элчиси Акио Кавато жаноablри иштирок этди.

— Маблағлар мактабларни замонавий ўқув воситалари ва анжомлари билан таъминлашга, ўқитувчиларнинг малакасини оширишга сарф этилади, - деди Нурота тумани ҳокимининг ўринбосари Бекмамат Жумаев «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Бизга кўрсатилаётган ушбу эътиборга жавобан эртанги

кунимиз бўлмиш фарзандларимизни ўқимишли, зукко, ватанга содиқ қилиб тарбиялашимиз даркор.

Элчи Акио Каватонинг таъкидлашича, 2002 йилда Ўзбекистоннинг 40 та ўрта умум таълим мактабларига 2 миллион сўм маблағ ажратилди. Мазкур маблағлар ҳисобидан улар қайта таъмирланиб, жиҳозланди. 1995 йилдан буён 84 та мактабни таъмирлаш учун 6 миллион АҚШ доллари сарф этилди.

«Туркистон-пресс»

Касаба уюшма спорти

Термиз шаҳри спорт иншоотларида Савдо, умумий оқратилиш, матлубот кооперацияси ва

чилари спортнинг шохмот, шашка, теннис турлари бўйича «Алпомиш» ўйингоҳи ва вилоят «Матлубот-

кул Алиев ва Робия Тошқуловалар голибликни қўлга киритишди. Теннис бўйича эса Баҳром Ёдго-

САВДО ХОДИМЛАРИ БЕЛЛАШДИЛАР

тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касба уюшма Сурхондарё вилоят кўмитасининг Қарияларни қадрлаш йилга бағишланган аънаванавий спартакиада бўлиб ўтди. Мусобақа қатнаш-

савдо» ХАК бошқаруви мажлислар залида баҳс олиб бордилар.

Ғоят қизиқарли ўтган беллашувлар якунига кўра шохмот бўйича Наҳмиддин Азимов ва Маҳкамтош Каримова, шашка бўйича Эш-

ров ва Муҳаббат Нуруллаевалар зафар қучишди. Голибларга диплом ва кимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Р.ДАВЛАТОВ, «Ишонч» муҳбири.



Ф.ХИДИРОВ олган сурат.

ҚАТЪИЯТ

— Сенга пул керакми, жон керакми? Қани, тезда йиққанларингни чиқар, вақтимиз тифиз. Уй соҳиби ўткир тигрили қуроллар билан ҳамла қилиб турган талончилар мақсадини дарҳол тушунди. Уларнинг қўлидан омон чиқишига кўзи етмагач, ҳар эҳтимолга қарши ётоқ диванининг ёнига қўйиб ётган болта билан жиноятчилардан бирини уриб беҳуш қилди. Бу орада иккинчи жиноятчи унга уч-тўрт маротаба тан жароҳати етказиб, беҳуш ётган шеригини ҳам ташлаб, воқеа жойидан қочиб яширинди. Жабрланувчи қақриғи билан ёрдамга келган қўни-

қўшнлар уни тезлик билан касалхонага элтишди.

Ички ишлар ходимлари етиб келишганида ярадор бўлиб хушини йўқотган жиноятчи ҳам қочиб улгурган, фақат ундан маълум масофагача қон излари қолганди. Атрофни синчиқлаб текширган ИИБ бошлиғи Бегали Раҳмонов тезлик билан буйруқ берди: — Ён-атрофдаги барча туман, шаҳар касалхоналарига, тиббиёт пунктларига учраши лозим бўлган жиноятчи тўғрисида хабар бериңг.

Бошлиқ адашмаган эди. Қўқон шаҳридаги касалхоналардан бирига тахмин этилган бемор мурожаат қилганлиги

сохта жабрланувчининг жиноятчилардан бири эканлигидан далолат берди. Тезкор текширув натижалари ҳақиқатдан ҳам босқинчилик ва қотиллик содир этган бу шахслар муқаддам судланган ҳамтовоқлар эканлиги аниқланди.

Бундай муваффақиятли, тезкор ҳаракатлар истеъфодаги милиция полковниги Бегали ака Раҳмонов иш фаолиятида қўллаб топилди. 1971 йили Тошкентдаги Олий Милиция мактаби-

ни тамомлаб фаолиятини Хамза тумани ИИБ тергов бўлимида бошлаган Бегали ака кўп йиллар давомида Фарғона вилоятида масъулиятли лавозимларда хизмат қилди. Ундаги ишчанлик, тезкорлик, ўз ўрнидаги қаттиққўллик жиноятнинг ўз вақтида фош этили-

ни тамомлаб фаолиятини Хамза тумани ИИБ тергов бўлимида бошлаган Бегали ака кўп йиллар давомида Фарғона вилоятида масъулиятли лавозимларда хизмат қилди. Ундаги ишчанлик, тезкорлик, ўз ўрнидаги қаттиққўллик жиноятнинг ўз вақтида фош этили-

ни тамомлаб фаолиятини Хамза тумани ИИБ тергов бўлимида бошлаган Бегали ака кўп йиллар давомида Фарғона вилоятида масъулиятли лавозимларда хизмат қилди. Ундаги ишчанлик, тезкорлик, ўз ўрнидаги қаттиққўллик жиноятнинг ўз вақтида фош этили-

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net